

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БЎСТОНЛИҚДА МЕДИА-ТРЕНИНГ

Бўстонлик туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида ўтказилган медиа-тренингда ёш журналистлар фаол иштирок этди.

Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И. Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш, ёш журналистларни тайёрлаш, билим ва маҳоратини ошириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган мажмур медиа-тренинг ҳам айти шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Медиа-тренингда "Юрт келажаги", "Камалат юлдузлари" сингари кўрик-танловларда ғолиб деб топилган истеъдодли ёшлар, ҳаракат фаоллари, бошланғич ташкилот етакчилари, "Камолот" фаолиятини ёритишда ўз икtidорини намоён этган 150 нафар ёш,

хаваскор журналист иштирок этди.


Иштирокчилар матбуот, радио, телевидение, интернет ҳамда матбуот хизмати гуруҳларига бўлиниб, "Интернет журналистикаси ва интервью олиш маҳорати", "Публицистика жанрлари: янгиликлар тайёрлашнинг замонавий тамойиллари", "Интернет ва фуқаролик журналистикаси: блоглар билан ишлаш технологияси", "Репортаж жанри ҳақида асосий тушунчалар" мавзуларида маърузалар тинглади.

Интернетдан фойдаланаётган ҳар бир инсон ўзида яхши маълумотларни олиш ва эшитиш, ахборотларни қабул қилиш қўникмасини шакллантириши лозимлигини бугунги глобаллашув шароити тақозо этмоқда, дейди филология фанлари номзоди, доцент Наргис Қосимова. – Шу боис, ахборот асрида одамлар, айниқса, ёшларда мафзуравий соғлом иммунитетни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Психологларнинг таъкидлашича, интернет фойдаланувчилари ў ёки бу инфорацияни қабул қилишдан аввал ўзига "Бу ахборотни ким тарқатмоқда?", "Нима учун тарқатаётди?", "Қандай мақсадни қўламоқда?" деган саволларни берса, ҳар қандай тахдид ҳеч бир зарарли таъсир ўтказолмайди. Қолаверса, ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва қўникмасини ошириш, интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, ахборот маконини ҳар томонлама фойдали, миллий руҳдаги сайтларни қўлайтириш ҳам яхши самара беради.

Медиа-тренинг якунида фаол иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Б. ХИДОЯТОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили



Қариялари қадр топган юртда доимо фаровонлик бўлади.

НУРОНИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Зангиота туманида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида нуронийларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, айниқса, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсия таъминоти, тиббий хизмат кўрсатишни тақомиллаштириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда 32 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига "Artel" русмий замонавий уяли алоқа те-

лефонлари совға қилинди.

Биз, нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз, – деди 92 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Манноб ота Рискиев. – Мен бутун умримни ўқитувчиликка бағишладим. Шу-

нинг учун мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ишларни қўриб, кўзим қувнайди. Кексалари эъзозланган, ёшлари эътиборда бўлган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси тинчлик-хотиржамликнинг шарофати. Бу қўнларни қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз керак.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

ЧОРВАДОР ФЕРМАСИДА БИР КҮН

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган уркан ишлар самараси бир хўжалик мисолида

Зангиота туманидаги насличликка ихтисослашган "Рохатой" фермер хўжалигида янги туғилган бузоқ 400-ракам билан рўйхатга олинди. Бу фермадаги қорамоллар сони шунчага етганини аниглади.

Мажмур хўжалик жойлашган Масалбой қишлоғи хийла ичкарида экан. Икки томони галлазор йўл ёқалаб бордик. Бугдўй ўрими бошланган, экиндан бўшаган майдонларни шудорлаш ва кейинги ҳосилга тайёрлаш ишлари кизгин давом этмоқда. Ана, пештоқиға "Рохатой" фермер хўжалиги деб ёзилган лавҳа кўзга ташланди. Фермага кираверишда икки киши бизга пешовоз чиқди. Келишимиз сабабини билишгач, улардан бири:

– Жўра ака янги туғилган бузоқнинг ҳолидан хабар олгани кетгандилар, ҳозир келиб қоладилар, – деб чорпоядан жой кўрсатди.

Нафас олсангиз ичингизга олов кирганди туяладиган жазирамада шийпонда ўтиришнинг гаши ўзгача бўларкан. Турли мевали ва манзарли дарахтлар, анвойи гулларнинг мастона ифори ойда-сонда эсаётган майин шабада иссиққа "чап" бериб олиб келди. Галларнинг ёқили иси димоғингизни қитқилди, кўнглингизга хузур бағишлайди. Бундай насимдан маст ўтирарканмиз, юзларига бироз ажин тушган, сочларига оқ оралаган киши биз томон қулимсираб келди.

Фермер Жўра Маҳма-

тов "ичимдагини топ" дейдиганлар хилидан эмас, аксинча, киришимли, қувноқ ва сўзамол киши экан. Чорвадор хўжаликнинг оёққа туриш босқичлари, эришган ютуқлари ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

Кишлоқ мулкдорининг гапларидан шу нарсга аён бўлдики, мамлакатимиз аҳолисининг гўшт, сут ва сут махсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла таъминланишида "Рохатой" фермер хўжалигининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Қунига қарийб тўрт тонна сут, йилига ўнлаб тонна гўшт олинаётган мажмур хўжаликнинг умумий даромади кейинги бир йилда бир миллиард сўмга етгани ҳам бу фикрни далиллайди.

Бундай натижага эришиш осон бўлмади, – дейди фермер Жўра Маҳматов. – Фермамиз 30 бош жайдари, ориқ қорамол билан фаолият бошлаган эди. Биласиз, махсулот мўл ва сифатли бўлиши учун, аввало, мустаҳкам озуқа базасини яратиш зарур. Ўша йиллари ем-хашак етиштириш учун атиги 10 гектар еримиз бўлган. Ният ва шунга яраша ҳаракат қилсанг, эътибор ва шароит бўлса, ҳамма нарсаси эришиш мумкин экан. Тижорат банкидан 241 минг доллар миқдорда имтиёзли кредит олиб, Хитойдан 70 бош насли мол келтирдик. Бунда Юртбошимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни қўлайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари

ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид Қарори жуда кўл келди. Шунга ҳам етти йил бўлибди. Шу вақт ичиде моллар ўзидан кўпайиб, 330 бошдан ошди. Боққанга яраша насли мол боққанга маъкул. Чунки соғиб олинган сут қилинган харажатни қоплайди. Озуқа зое кетмайди. Жорий йил бошида Германиядан 60 бош қорамол олиб келдик. Ҳозир фермадаги моллар 400 бошга етди. Экин майдонимиз қарийб 20 баробар кенгайди. Натижада ишчиларимизнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошди, турмуш фаровонлиги юксалди. Янги иш ўринлари яратилди.

Шуларни сизга айтиб ўтирибману, бундан 25-30 йил аввалги ҳолат кўз олдимдан ўтапти. Ўша йиллари колхозда зоотехник эдим. Қарши бўлмасангиз, ўзим бевосита гувоҳ бўлган айрим воқеаларни сўзлаб берай.

Саксонинчи йиллар охирида қолган. Яйловлар кескин қисқариб борар, ем-хашак етишмаслигини хатто уй хўжаликлари ҳам мол боқишга қийналарди. Хуллас, яйловлар қисқариши моллар туёқ сони камайишига жиддий таъсир қилди. Устига-устак озуқа муаммо, денг. Ветеринария хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қўллаб чорва моллари нобуд бўлди. Касаллик тарқалишидан шахсий хўжалиқлар ҳам иқтисодий зарар кўрди. Бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш зарурлигини кўпчилик мутасаддилар

(Давоми 2-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Мустақиллик йилларида иқтисодий либераллаштириш, бошқаруving бозор тамойилларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этишга оид тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ишбилармонларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратилгани, давлат соҳага қўллаб имтиёзлар бераётгани натижасида тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб, улар иқти-



содийтимизни ривожлантириш, ички бозорни сифатли махсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ЯНАДА КЕНГ ИМКОНияТЛАР

Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса соҳа равнақи учун

янги-янги йўللار очиб берди. Бу ҳужжатда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ҳамда чекловларни тугатишга оид аниқ-равшан вазифалар белгилаб берилган. Фар-

монга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган мукаммал Дастур тасдиқланди,

(Давоми 2-бетда).

Дарвоқе

АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?

Автобусдаги икки аёлнинг суҳбати диққатини тортди. Улардан бири кўчада сотилаётган қўллабол морсдан ичиб, маззаси қочган фарзандини шифохонага ётқизиб қайтаётган экан...

Қунлар исиган сари вилоят шаҳар ва туманларининг одам гавжум жойларида қўллабол чанқовбосди ичимликлар сотувчи "ишбилармон"лар кўзқориндек қўлаймоқда. Аслида бу каби ичимликларни давлат стандартларига мослиги ҳақида сертификат бор, текширувдан ўтган ва совутиш мосламасига эга махсус идишлардан бир марта ишлатиладиган стаканларга қўйиб, бундай фаолият тури билан шуғулланиш учун расман рўйхатдан ўтган тадбиркорларгина сотиши мум-

кин. Амалдачи?

Бўка тумани ДСЭНМ бош шифокори Комил Қулбоев ва туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Бунёд Шаропов билан шаҳарча шохқўчаларини айландик. Йўлнинг ўнгу чапидан ўнга яқин қўллабол ичимликлар сотилапти. Биринчи сотувчини саволга тутдим:

– Исининг нима?
– Муҳаммаджон.
– Ёшинг нечада?
– 11 даман.
– Бир ўзинг савдо қиласанми?
– Тушikkaча мен, ке-

йин акам чиқади.

– Ичимликнинг сертификати борми?

–

Бу ердаги эрқагу аёл сотувчиларда на сертификат, на рухсатнома бор. Оқ халат ёки фартук, бир марта ишлатиладиган стаканлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энг хавфлиси, шуки ичимликлар рух идишларда ҳам сотилаяпти.

– Ёз мавсумида энгилтаом, чанқовбосди ичимли ва шарбатлар кунда истеъмол қилинади, – дейди вилоят ДСЭНМ бўлим мудирини Абдурахмон Исмоилов. – Улар иссиқ кунда инсон танасидаги мўтадил ҳолатни сақлашдан ташқари, таркиби шифобахш дармондори, амина-

кислота, фермент ва микроэсуруларга бой. Бироқ, уларни тайёрлаш, сақлаш ёки ташишда маълум санитария ва шахсий

гигиена тартиб-қоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида, юкумли ичак касалликларига

(Давоми 2-бетда).



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ЧЕҲРАСИДА НУРИ БОР УСТОЗ ЭДИ

Эсимда, 1996 йилнинг айна киш палласи эди. Каминанинг "Устозлар хотираси" номли илк китобим дунё юзини кўрганди. Хурсандлигимдан китобчамнинг бирини "Суръат" (ҳозирги "Юқори Чирчиқ ҳаёти") туман газетаси жамоаси фидо-йиларига! деган дастхат билан бош муҳаррир ўринбосари Иноғом Ҳолтурсуновга олиб бордим. Хонада ўрта ёшлар чамаси, юз-кўзларидан нур ёйилиб турган бир нотаниш киши ҳам бор экан. Китобчамни устозим Иноғом акага узатдим. У киши мамнулигини яширолмай, мени бағрига босди.

– Болам, табриклайман, ижодингга барака тилайман, – деди-да, китобчини нотаниш кишига узатди.

– Демак, Латифжон Мансуров деганлари сен экансан-да, – деди нотаниш киши. – Кўпдан бери ёзганларингни ўқиб, кузатиб юрман. Кап-катта киши бўлса керак деб ўйлардим, ўг-

лим тенги йигит экансан.

– Латифжон, бу киши Саидвали Ҳасанов, – деди устозим Иноғом ака. – "Тошкент ҳақиқати" газетасида бўлим мудирини. У Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларига бириктирилган. Ҳафта-сига бир кун шу ерда бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Нуктаи назар

ҲАММА ГАП ЎЗИМИЗДА

Ахборот – бирор янгилик ёки жиддий аҳамиятга эга воқеа-ҳодисаларни оммага етказиш, шунингдек, жамият манфаатини, унинг мақсад ва интилишларини белгилаб берувчи омилардан бири. Инсоният ҳар қандай даврда ҳам, албатта, ахборотга эҳтиёж сезади, орзу-мақсадларини амалга оширишда ахборотга таянади. Айниқса, ҳозирги кунни ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун ахборот тушунчаси қандай? У ёшлар онги ва тафаккурида қай йўсинда шаклланиб бормоқда?

Фарб мамлакатлари оммавий маданияти бизнинг менталитетимизга умуман тўғри келмаслиги ҳаммага маълум. Хориж ёшларининг ўзини тутиши, муомаласи, кийиниши, тарбияси аллақачон оммавий маданиятга айланб улгурган. Хўш, уларнинг тафаккур ва мафкураси, онг ва шууридаги бе-шафқатлик, беҳаёлик, лоқайдлик, атрофдагиларга ҳурматсизлик сингари иллатларнинг келиб чиқишида оммавий ахборот воситаларининг таъсири қандай? Баъзи чет мамлакатларнинг айрим етакчи оммавий ахборот тармоқларида вайронкор гоёларни тарқатишга интилишларига

нима дейсиз? Бундай ҳолатларнинг бизда юз бермаслиги учун нима-ларга эътибор қаратмоғимиз керак?

Авалло, Ўзбекистон тинчлигини таъминлаш мақсадида ёшларни турли иллат ва оқимлардан ҳимоя қилишимиз, ахборот хавфсизлигини таъминлашимиз, уларга тахдид солаётган бузғунчи оқимларни ўз ўрнида бартараф этишимиз зарур деб ўйлайман. Бунинг учун эса, биринчи навбатда уларнинг сабабларини чуқур аниглаб, унга қарши курашишга оид кескин чора ва тадбирларни кўриб чиқиш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

Кўргазма

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

Зангиота маънавий хизмат ва тадбиркорлик коллежидида "Таълим ва мутахассислик" вилоят кўргазмаси ташкил этилди.

Коллеж битирувчиларини касба йўналиши, ўқишини давом эттириш ва иш билан бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда Тошкент Давлат аграр университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қорхона ва таъкилотлар, олий таълим муассасалари, битирувчи ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўргазмада Тошкент Давлат аграр университети ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассислик йўналишларини акс эттирувчи плакат,



банер, буклет, видео ва реклама роликлари намойиш этилган бўлса, кўргазма доирасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўш иш ўринлари ярмаркаси билан иштирок этди.

Шунингдек, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенга-

ши иштирокчилар учун тадбиркорлик лойиҳалари тақдироти ташкил этди.

Тадбир якунида, кўргазмада фаол иштирок этган битирувчилар таъкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аваз БЕКОВ.

ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Тўртта асосий йўналишдан иборат мазкур Дастур асосида ўттиз учта аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши пировардида бизнес муҳитининг янада яхшилланишига олиб келади. Шу билан бирга, Дастурда тадбиркорлик ривожини учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилиши, уларнинг моддий ҳамда кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масалалари ҳам қамраб олингани эътиборга молик. Зеро, бизнес юритиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда сармоя муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-га олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфал давлат хизматлари Ягона порталга интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали 24 соат узлуксиз амалга оширилмоқда.

Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ошқоқлик ва ошқораликни таъминлаш, муҳофазат этиш тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсаттаган "бир дарча" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизидан "бир дарча" тамо-

йили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши белгилан берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ЧЕХРАСИДА НУРИ БОР УСТОЗ ЭДИ

Фидойи қаламқаш, ёшларнинг сеvimли устози Саидвали Ҳасанов билан илк танишувимиз шундай бўлган. Ўша кун Саидвали ака қувончини ичига сиғдириб, "Муаллифнинг илк китоби" руҳида "Устозлар хотираси" сарлавҳали мақола ёзиб, туман газетасида чоп этиш учун қолдирди.

Ушбу мақола 1996 йил 17 февраль кун "Сўр'ат" газетасида босилиб чиқди. Шу-шу бўлди-ю, Саидвали ака билан қадрдонлашиб кетдик. Харгал Тошкентга тушганимда, вилоят газетаси таҳририятида дилдан сўхбат қурдик. Янги ёзган мақолаларини олиб қолиб, чоп этилишига қўмакла-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲАММА ГАП ҲАММИЗДА

Президентимиз: «Ҳаққон қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат», дея таъкидлаганларидек, биз ҳам ахборот тармоқлари орқали инсоният аҳлига ҳаф солаётган вайронкор ғояларни юксак бунёдкор ғоялар билан енгишга ҳаракат қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, телевидение, радио, газета ва журналлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига алоҳида эътибор беришимиз, улардан тўғри мақсадларда фойдаланишни билишимиз керак. Бундан ташқари, ахборот тарқатишнинг осонгина йўли "Ўргимчак тўри" деб аталмиш интернет тармоғидаги беҳаёликча, зўравонликча, бешафқатликча йўғрилган турли кераксиз сайтларга кириш ва ундан фойдаланиш миллий мафкурамизга ўта зид эканини аввало, биз – ёшлар тушуниб етишимиз даркор.

Зухра АҲМЕДОВА,
Ангрен политехника
касб-хунар коллежи ўқувчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе

АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?

дучор бўлиш мумкин. Айниқса, юқумли салмонеллез билан кўпроқ болалар касалланади.

1 июнь ҳолатига кўра аҳоли ўртасида ўткир ошқозон-ичак юқумли касалликлари ҳамда овқатдан захарланишнинг олдини олиш мақсадида, ноқонуний сотилаётган 1738 литр турли қўлбола ичимликлар, жумладан, ўрик шарбати, айрон ва компотлар белгиланган тартибда йўқ қилинди. Тегишли ҳужжатларсиз, маҳсулот сифати ва хавфсизлигига қанолат берувчи сертификатларсиз ўзбошимчалик билан савдо қилаётганлиги сабабли 107 фуқарога маъмурий чоралар кўрилган. Бундан ташқари, 358 килограмм ҳар хил миллий таомлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

савдодан олинди. Маълумки, қўлбола айниқса, рух идишларда ичимлик сотиш қатъиян ман этилади. Чунки, уни ичган киши организмга рух металининг сўрилиши оқибатида марказий асаб тизими, ошқозон ва ичак деворларида нохуш ўзгаришлар рўй беради.

Яна бир гап. Қўлбола айрон, гўжа, ўрик шарбати, чанқовбосди ичимликлар, уй шароитида тайёрлаб чиқилган ҳар хил миллий таомларни сотиш та-

қиланган. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

иқтисодий ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

иқтисодий ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

иқтисодий ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

иқтисодий ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

иқтисодий ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Бундан вилоят "Бозорсавдо", халқ ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, шаҳар ва туман табибиёт бирлашмалари раҳбарлари хабардор. Шундай экан, улар биз кузатган манзараларни қандай

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

унутиб қўйганди гўё. Энг ачинарлиси, аҳолининг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам айтарли қондирилмасди. Шундай оғир вазиятда республикамизга энди раҳбар бўлиб келган Ислам Каримов бу масалани зудлик билан ҳал этиш зарурлигини, бундан буёғига эскича яшаб бўлмаслигини энг юқори минбарларда баралла айтиб, ҳар томонлама пухта ўйланган режаларни кун тартибига қўйди. Бу гаплардан ошмишнинг кўнглида эртанги кунга умид учкунлари пайдо бўшлади...

Чорвадор ҳақ, Боиси, Ҳўра аканинг бу ҳикояларини ўша даврда шундай муаммоларга дуч келган, кўрган, бошидан кечирган одамлардан кўп эшитганмиз. Фермер айтган даврда барча соҳалар қатори озиқ-овқат масаласи ҳам зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий муаммолардан бири экани ҳақида турли манбаларда, матбуот саҳифаларида ўқиганмиз. Буларнинг нақадар ҳаққоний эканига Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона архивидида сарғайган газета таҳлиларини варақлаётимиз, яна бир бор амин бўлдик.

Тошкентда 1989 йилнинг 9 июль кунини бўлиб ўтган анжуманда Ислам Каримов нутқ сўзлади ва унда аҳолини уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш республикада ҳал қилиниши лозим бўлган оғир муҳим муаммолардан эканини алоҳида таъкидлади. Ўша йилларда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдо тармоқларида тақчил, аҳолининг бу маҳсулотларини сотиб олиш имконияти чекланган эди. Янаям аниқроқ айтганда, истеъмол бозоридида барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узалишлар бўлган. Буни 1989 йилда ўтказилган статистик тадқиқотлар маълумотлари тасдиқлайди. Аҳолининг 89 фоизи гўшт, 56 фоизи сут, 55 фоизи шакар, 49 фоизи қандолат, 17 фоизи картошка ва бошқа маҳсулотларни тўйиб истеъмол қилмаган ўша йилларда.

Ҳар қандай нарсасида таққосда аён бўлади. Биз ҳам ушбу қондага амал қилган ҳолда, ўз фикримизни рақамлар тилида баён қиладиган бўлсак, қуйидаги манзара намойиш бўлади: Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 31 миллиондан ошди. Бу 1990 йилга нисбатан 38 фоиз кўп демакдир. Шундай демографик ўсишга қарамай, ўтган чорак асрда аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш қарийб 24 фоизга кўпайди. Сут ва сут маҳсулотлари 30, тухум 42 фоиз, сабзавот 2,2, картошка 1,5, мева 3,6, шакар 1,37 баробар ўсди. Эътибор беринг, ҳаёт учун энг зарур, асосий маҳсулотлар истеъмолида юқори ўсишлар рўй берган. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ истисноқ йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори, тури ўнлаб баробар – гоёт кескин ошганини кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, истеъмол харажатларининг ҳажми ва таркиби кўп жиҳатдан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имконияти ва маҳсулотларнинг нархи билан чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда истеъмол таркиби сифати озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ тановул қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқат истеъмол қилишнинг барқарор ривожлангани муҳим аҳамият касб этапти.

Илгари истеъмол учун зарур бўлган галла, сут ва гўшт маҳ-

(Давоми. Боши 1-бетда).

сулотлари, картошка, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқасининг 50-100 фоизи четдан келтирилган бўлса, бугунги кунда мамлакатимиз шу ва бошқа маҳсулотларни етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг барча истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаётди.

Ўтган йилнинг 5-6 июнь кунлари пойтахтимизда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, унда 40 мамлакат ва 20 нуфузли халқаро таъкилотдан 200 дан зиёд мутахассис иштирок этди. Ушбу конференцияда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва нутқ сўзлаб, Ўзбекистон истисноқ йиллари-

нафақат жаҳон бозоридида хари-доргир бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган, балки экспорт қиладиган мамлакатга айланди. Чунонинг, дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспортни йўлга қўйилди. Юртимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа мева-сабзавотларни экспорт қилиш бўйича дунёда ўн етакчи давлат қаторига қўшилди. 2011-2014 йилларда экспорт қилинаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмол-чига етказиб беришда нобуд-гарчиликларнинг олдини олиш

"Бу борада энг асосий омил нима бўлди, деган саволга мен, энг асосий, ҳал қилувчи омил – бу бизнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимиз, деб жавоб берган бўлардим..."

Чиндан ҳам, бугун қаерда, қайси даврда бўлманг, дастурхон юртимизда етиштирилган, тайёрланган маҳсулотлар, ноз-неъматлар билан тўкилигини кўрасиз. Гурунглашаётганларнинг ижтимоий аҳоли, турмуш фаровонлиги юксалиб бораётгани, дастурхонимиздан йил бўйи мева-чева аримаслиги, бозорларимизда барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-қўлиги, нарх-навоси чўнтақбоғлигидан қўнгли тўлиб, фахр билан сўзлаётгани қалбингизга гурур бағишлайди. Бейхотиёр бизни шундай маҳсулотлар билан ҳар фаслда бирдек таъминлаётган озиқ-овқатнинг бебаҳо саховати, мўъжизакор қудратига таҳсин ўқийсиз. Уста деҳқону моҳир чорвадорлар, қилни қирқ ёрадиган тадбиркорларнинг гайрат-шижоатига, ишбилармонлигига тан берасиз. Мамлакатимиз қўлга киритаётган бундай муваффақиятларни дунё ҳамжамияти баралла эътибор этаётгани, уларнинг ўзи келиб иш тажрибамизни ўрганаётганидан кўксингиз фахр-иштихорга тўлади.

Жўра ака Маҳаматов дилкаш, зини киши экан. У киши билан узоқ гурун қилдик. Фермер "бироз танавфуф қилайлик энди", дегандек стол устидаги бежирим идишлардан бирини олиб очди ва пиелага қўйиб бизга узатди. Бюкефирнинг хушҳўрлигидан аъзои-баданамиз яйраблар кетди.

Хом ашё бизники, маҳсулот қўшни Чувалачи қишлоғидидаги "Изаат" фермер ҳўжалигиники, – деди фермер. – Чорвачиликка иқтисослашган. Ҳўжалик раҳбари Қўчқорбой Турсунов. Унинг айтишича, умумий даромади сўнгги бир йилда 860 миллион сўмга етибди, бундай натижага тармоқни кенгайтириш орқали эришибди, омадини берсин! Ишлаб чиқариш қуввати катта бўлгани боис, биздан тез-тез сўт олиб туради. Бир гапгадиган қолганимизда: "Ҳозир қайта ишлагани йўлга қўйман, деганда давлатнинг ўзи ёрдамлашяпти. Қолаверса, бунга ўзингизнинг маблағингиз ҳам, уқувингиз ҳам, шароитингиз ҳам бор. Цех очинг!", деганди.

Йилда шу масала билан яна келибди... Очигини айтганда, қайта ишлагани йўлга қўйман, масаласи ҳусусида қўлдан бери бош қотирман. Қўчқорбой ҳақ, Насиб қилса, шу йил ёки кейинги йил бу режани амалга оширамиз. Дарвоқе, бундоқ ўйлаб кўрсан, кўрак қеришга аярли ютуқларим, эришган муваффақиятларим кўп экан. Президентимиз фармонида мувофиқ "Шўхрат" медали билан тақдирланганман. Фермадаги моллар Ўзбекистон насли молларининг "Олтин фонди"га киритилган. Бултурги даромадга "Сартива" олдим. Йилгирма йил қолхозда зоотехник бўлиб, Форишда дам олиш орузи билан яшадим. Мустақиллик туғайли наинки Форишни, Парижни ҳам кўрдим. Баззан ўйлаб қолман, бугунимдан қўнглим тўймай, эртанги кунимга ишончим, умидим сўнган ўша давларда "бўлганим шу экан", деб, шифтга термулиб ётаверсан, нима бўларди? Узи асрасин. Шўкр! Мустақиллик кўплар қатори менга ҳам қандай яшаш кераклигини ўргатди. Нимагаки эришган бўлсам, барчаси истисноқ туғайлидир...

Чоғоҳда бошланган сўхбат вақт шомдан оққанда нияоси-ча етди. Фермерга ишлари баторидан келишини тилаб, хайрлашдик.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди «Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзуида ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидаги ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат каби инсоний қасдларни, она юртга, ўз халқига чекиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.
2. Оилада, жамиятда ёши улугларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нурунига нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда ғамхўрлик руҳида тарбиялаш.
3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва меъморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, эхскурия уюштириш, буклетлар чоп қилиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.
4. Ёшларнинг ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.
5. Ёш авлоднинг фан ва санъатга бўлган иштиёқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро

танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намоиш этишида рағбатлантириш.

6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда қишлоқ жойларда яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.
7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ички қилиқбозлик, гийҳвандлик каби иллатлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан асраш.
8. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва ақрабалиқларнинг, оиладаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олиш, ирсий ва туғма касалликларнинг профилактикаси бўйича уларнинг билимларини юксалтириш, ёшларда соғлом, мустаҳкам оилани барпо этишга бўлган иштиёқини шакллантириш.
9. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборини қўйиш, уларнинг ҳукукий ва ижтимоий ҳимосини таъминлаш.
10. Азалий миллий қадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда,

жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, жисмонан соғлом, маънаван етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларида оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.
12. Жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг турли машғулотларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини қўйиш.
13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қузувот хати.
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).
3. Ташкилотнинг давлат рўйхати-

дан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Маъмур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдирнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ақриладиған грант миқдори - 25 миллион сўмга-ча.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 июнидан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А-4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шохқўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш" мавзуида ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидаги ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ташкилий-ҳукукий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда фуқаролар фаоллигини ошириш.
2. "Экологик назорат тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда маъмур қонун меъёрларининг жойларда бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.
3. Аҳолининг экологик ва табиий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиётини ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.
4. Кенг ахборот-тўғуттириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини омдалаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳашарлар, турли тадбирлар, ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш.

7. Кўчалар ва тураржой маззеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича вазифаларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти ва ўрнини ошириш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини кучайтириш.

9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза муқобил энергия манбаларини

таътиб этиш.

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини қаматириш, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, майиш чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш.

11. Экологик ҳалокат - Оролбойи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш.

12. Экологик таълимни ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, фуқароларнинг экологик маъмуларини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қузувот хати.
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш

ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Маъмур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдирнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ақриладиған грант миқдори - 25 миллион сўмга-ча.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 июнидан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А-4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шохқўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришчи, 20 июнь кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 21-23, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қисқа мулдатли ёғим ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.



"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдолари:

1. Тошкент вилояти Қийраб тумани СИБ томонидан: 2013 йил 7 октябрдаги 17721-сонли ижро ҳужжати асосан: Тошкент вилояти, Қийраб тумани, Қийраб ШЙ, Навоий кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган: қурилиш тугалланмаган 2 қаватли 154,96 кв.м. бўлган "Савдо дўкон" ва 84,30 кв.м.дан иборат бўлган идора биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 232 434 360 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 июль кунини 12.00 да ўтказилади.

2. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: Жиноят ишлари бўйича Юнусов туман судининг 2011 йил 28 октябрдаги қўйишга асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Қўш-Егоч ҚОЙ, "Олма Гўлбоб Файз" БУШ, "Файз" дала ҳовли уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 0,061 га бўлган, 0001 литердан иборат 14-сонли дала ҳовли бино ва ишоотларни савдога тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 11 769

317,1 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 11 июль кунини 12.00 да бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан 18.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган қўймас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотисидан билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТЕ "Илак йўли" Микробид филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

"KOP' TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тақдорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳтур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусов туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/15-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: I) Бошланғич нархи - 488 286 080 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва ишоотлар 0001 литердан 0003 литерга-ча, 0004 литердан 00089 литерга-ча қурилиш тугалланмаган ҳову ва ишоотлар) дан иборат "Болалар спорт соғломлаштириш мажмуеси"; II) Бошланғич нархи - 2 249 934 329 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001 литердан 0013

литерга-ча бино ва ишоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилма-лар ҳужжати сиз) "Нотулар-жой биноси" 2) 09.12.2013 йилдаги № 20340/15-сонли ижро ҳужжати асосан: Бошланғич нархи - 251 818 848 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳтур тумани, Тахталуқ кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилма остидаги майдони 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та яшаш хонадон иборат Турар-жой (ҳовли); 3) 23.08.2013 йилдаги № 2-88/13-сонли ижро варақасига асосан, Бошланғич нархи - 127 300 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳтур тумани, Чиланзор-Оқтепа (собиқ Есенин) кўчаси, 15-уйда жойлашган,

умумий фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., яшаш майдони 41,23 кв.м.ли 3 та яшаш хонадондан иборат бўлган 8-хонадон "Турар-жой" қўйилмоқда. Тақдорий аукцион савдолари 2015 йил 7 июль кунини 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP' TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АИТЕ "Ипокеча банк" Филиалидаги 20208000104991835001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қим-ошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 008795.

Микрожаҳат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-81. Лицензия: № 0039.

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ЙХБХ жарима майдонисиде сақланаётган: 8068/2-сонли ижро варақасига асосан: 1. 2011 йилда и.ч., дав/рак: 1023580А, бошланғич баҳоси - 26 324 100 сўм бўлган "Нексия Дюно 1.6" русумли; 2. 2014 йилда и.ч., дав/рак: 10E020LA, бошланғич баҳоси - 26 484 548 сўм бўлган "СПАРК" русумли; 3726/2-сонли ижро варақасига асосан: 1982 йилда и.ч., дав/рак: 10J185FA, бошланғич баҳоси - 5 319 824 сўм бўлган "BA3-2103" русумли авторанспорт воситасиде сақланаётган тақдоран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 7 июль кунини 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижро-

чилари бўлими томонидан: "OAZIS MEGA BIZNES" SAVDO МЧЖ омборхонасиде сақланаётган: 11919/2-сонли ижро варақасига асосан: 2013 йилда и.ч., дав/рак: 01M449РА, бошланғич баҳоси - 39 403 000 сўм бўлган "Кобальт" русумли авторанспорт воситасиде савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 23 июль кунини 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 18.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар ва авторанспорт воситалари билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита

жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотисидан билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳуқуқати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАИТЕ "Илак йўли" Микробид филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000104998600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 008795.

Ўз – 2015

БЕГУБОР БОЛАЛИКНИНГ БАХТИЁР ОНЛАРИ

Пойтахтнинг энг яхши истироҳат боғларидан бири "Тошкент ленд" вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган имконияти чекланган болаларга икки кун давомида шодлик улашди.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими ҳамда бир қатор давлат ва тижорат ташкилотлари кўмағида 270 дан зиёд болалар соя-салкин боғда мириқиб ўйнаб-кулишди. Ўғил-қизлар ота-оналари ҳамроҳлигида боғдаги барча каруселларда навбатма-навбат маза қилиб ўқинишди, тангадек офтоб тушмайдиган хибонларда сайр қилишди, ўзлари севган эртак қаҳрамонлари билан суратга тушишди.

Сўлим боғда болалар яйраб хордик чиқариш билан бирга, олам-олам таассуротлар олишди. Зеро, бу уларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳий дам олишлари учун жуда муҳим оимил, аниқроқ қилиб айтганда,

яхши кайфият бағишловчи табиий терапиядир. – Имконияти чекланган, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болалари катталарнинг эътибори ва ғамхўр-



лигига бошқалардан кўра кўпроқ эҳтиёж сезади, – дейди ногиронлар жамияти вилоят бўлими раиси Йўлдош Ёқубжонов. – Биз шундай болалар тарбияланаётган оилаларга бутун чоралар билан ёрдам беришга ҳаракат қилаёмиз. Замонавий муолажа усуллари ва маҳсул тузатиш ўқув дастур-

лари шарофати билан кўплаб ногирон болалар имкониятларини анча кенгайтириб, жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланадилар ва ўзларига муносиб ўринни эгаллайдилар. Биз шундай хайрия акцияларини айниқса, ёзги таътил даврида мунтазам ўтказиб бораёмиз. Жумладан, бизнинг васийлигимиздаги кичкинтойлар циркида ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлишди. Умуман, ногирон болаларни бутун мавсум давомида кўплаб кўнгул-очар тадбирлар кутмоқдаки, улар асло зеркишмайди.

– Менинг пойтахтга саёхатим жуда қизиқarli ва мароқли ўтди, – дейди бекободлик 11 ёшли Дурдона Раҳимжонов. – "Тошкент ленд" боғида биринчи бўлишим. Айниқса, "Африка бўйлаб



қайиққа саёхат" аттракциони жуда манзур бўлди. Биз учун шундай ажойиб саёхат уюштирган ва соғва-саломлар улашган ташкилотчиларга раҳмат! Ушбу тадбир катталар учун болалар чехрасида-

ги қувноқ табассум ва айниқса, беғубор қалбларидан чиққан самимий раҳматларидан улғурғок муқофот йўқ эканини яна бир бор тасдиқлади.

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

ЎН ДОЛЛАРЛИК КУПЮРАДА
АЁЛ СУРАТИ

АҚШ молия вазирлиги ўн долларли миллий валютага аёл кишининг суратини жойлаштирмоқчи экани ҳақида хабар тарқатди CNN Money агентлиги.

Ушбу долларда айнан қайси аёлнинг сурати жойлаштирилиши масаласи бир неча ой давомида умумий овоз бериш йўли билан аниқланади. Таъкидлашчи, янги купюра 2020 йилда, яъни АҚШ конституцияси аёлларнинг овоз беришда иштирок этишларига рухсат берилган 19-тузатиш киритилганига 100 йил тўлиши муносабати билан муомалага чиқарилади. "Биз миллий валютанимиз жорий этилгандан буён ундаги шахслар суратини бир неча бор ўзгарттирдик, холос, – деди Америка молия вазири Жей-

коб Лью. – Энди 100 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, валютанимизда яна аёл тасвири акс этади".

Маълумки, Америка банкнотларида аёл портрети бундан 100 йил аввал бўлган эди. Ушанда АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон аёлнинг портрети 1891 йилдан 1896 йилга қадар амалда бўлган.

АҚШнинг бугунги 10 долларлик банкнотида Вашингтон президентлик қилган даврдаги биринчи молия вазири Александр Гамильтоннинг сурати турбиди.

СОБИҚ АҚШ ПРОКУРОРИ –
БЛАТТЕР АДВОКАТИ

Халқаро футбол федерацияси президенти вазифасини бажарётган Еозеф Блаттер ўз ҳимоси учун АҚШнинг собиқ федерал прокурори Ричард Калленни ёллади.

Reuters агентлиги вазиятдан хабардор манбага таяниб тарқатган хабарда айтилишича, юкори мансабли ушбу амалдор зиммасига федерация ҳеч қандай расмий айблов қўлмаган. Швейцария бош прокурори Михаэл Лаубер маълум қилдики, мамлакат ҳукумати ҳар қандай вазиятда ҳам Блаттерни на АҚШга, на бошқа бирор давлатга бериб қўймайди. "Швейцария ҳам худди АҚШ сингари ўз фуқароларини экстрадиция қилмайди", деди у. Унинг фикрича, ФИФА бошлиғи

Швейцария ҳудудида бўлар экан, бу қоида қучини сақлаб туради.

Маълумки, Блаттер бешинчи муддатга қайта сайланганидан сўнг тўрт кун ўтган, президентлик лавозимидан кетишини маълум қилди. У ижроия қўмитадан ташкилотнинг навбатдан ташқари конгрессини ташкил этиб, янги раҳбарни сайлашни илтимос қилди. Ушбу форум 2015 йил 16 декабрда ўтказилиши кутилмоқда. Унга Блаттер президентлик вазифасини бажариб туради.

ИНТЕРНЕТДАГИ ҲАҚОРАТ
УЧУН ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

The Daily Mirror нашри тарқатган хабарда айтилишича, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати интернет орқали ҳақорат сўзларини қўллаётганларни қатъий жазолаш тартибини ўрнатди.

Бундан буён интернетдаги ҳақоратга энг жиддий жиноятлардан бири мақоми берилади. Агар мамлакат фуқаролари шундай жиноят содир этсалар, уларни қамоқ жазоси ҳамда 250 минг дирхам (67 минг доллар атрофида) жарима қўлади. Агар чет элликлар бу тартибни бузса, мамлакатдан баъдари қилинади.

Ушбу янги қонуннинг биринчи қурбони ҳам маълум бўлди. Ўзининг ҳамқасбига интернет орқали ҳақорат сўзларини йўллаган кишига суд 700 доллар жарима жазосини тайинлади. Абу-Дабидаги олий суд

эса бу ҳукми жуда енгил дея баҳолаб, беқор қилди. Энди сўкагон фуқаронинг иши қайта қўриб чиқилади. Яна бир мисол. 2012 йилнинг июнида саудиялик журналист Рауф Бадавий Худони таҳрирлагани, динин ва қироллик амалдорларини ҳақорат қилгани учун қамоққа олиниган эди. 2014 йил май ойига келиб, уни 10 йилга қамашди, жарима солишди ва минг дарра уришга ҳукм қилишди. 2015 йил 7 июнга келиб, мамлакат суди маълум турдаги жиноятлар учун қамчиллаш жазосини 12 йилдан қайта жорий этишга қарор қилди.

ҚОЧОҚЛАР ЙЎЛИГА ДЕВОР ТЎСИҚ

Венгрия ҳукумати яширин тарзда оқиб келаётган қўчманчиларни тўхтатиш мақсадида Сербия мамлакати билан чегара бўйлаб 4 метр баландликда девор қурадиغان бўлди.

Reuters агентлиги Венгрия ташқи ишлар вазири Петер Сияртонинг сўзларига таяниб, шу хабарни тарқатди. "Қўчманчилик Европа Иттифоқи бугунги кунда дуч келаётган энг жиддий муаммолардан бири, – деди вазир. – Ҳозир Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ушбу муаммага ечим из-

лашмоқда. Бироқ, Венгрия ушбу ечимни узок кутиб туролмайди".

Унинг сўзларига қараганда, баланд деворнинг узунлиги 175 километрга чўзилади. Associated Press агентлигининг таъкидлашича, бу қурилиш Будапештнинг халқаро мажбуриятларига зид келмайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Мулоҳаза учун мавзу

МАҲОРАТГА ЙЎЛ
СОҒЛИҚДАН БОШЛАНАДИ

Қирқ йилдан зиёдроқ шифокорлик фаолиятининг чорак асрини спорт соҳасига, спортчиларнинг соғломлигини таъминлашга бағишлаган Мирзабурхон Дўстмуродов "Ўзметкомбинат" спорт-соғломлаштириш мажмуасида, қолаверса, "Металлург" профессионал футбол клуби шифокори сифатида доимо спортчилар орасида, ёшлар давраида бўлиб, улардан соғлиқларини тўғри ва мунтазам назорат қилиб боришларини талаб қилади.



Металлурглар спорт мажмуасида бошлаган дастлабки иш кунлариданқ спортчиларни даволлаш хоналарини ташкил этиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлади. Эндиликда у мамлакатимиздаги даволлаш хоналарининг энг яхшиларидан бири ҳисобланади. Хона деворлари дунёнинг машҳур спортчилари ва таниқли футболчиларнинг суратлари билан безатилган тажрибали шифокорнинг спортчиларни янгича муолажа қилиш ва руҳиятини кўтариш услубларидан биридир.

Шифокор спортни, айниқса, футболни жонли билан севганлиги учун бу жойда узок йиллар ишлаб, бор куч ва билимини спортчилар саломатлигини мустаҳкамлашга сарфламоқда. Маълумки шифокор ишда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан. Буни болалар, ёшлар, ҳатто, фахрийлар ҳам бирдек ҳис этишади.

М. Дўстмуродов спорт-соғломлаштириш мажмуасида ишни пухта ва аниқ режа асосида олиб боради. Ҳар бир спортчига ўзига хос тарзда муолажа қилади, маслаҳатларини аямайди.

– Ўн-ўн беш йил муқаддам мамлакатимизда махсус спорт-соғломлаштириш тиббий маркази бўлишини кўпчилик орзу қиларди, – дейди Мирзабурхон Дўстмуродов. – Энди бу муаммо ҳал бўлган. Пойтахтимизда "Футбол-Мед" тиббиёт маркази спортчиларимизга хизмат қил-

моқда. Лекин афсуски, футболчилар саломатлигини назорат қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари барча жамоаларда ҳам тўғри йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Ўрта-мизнинг етакчи уч-тўрт жамоасини ҳисобга олмаганда, шифокорларнинг иши қонқарли эмас. Футболчилар бир йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Аммо маълумотларга қараганда, айрим жамоаларда бундай кўриклар номига ўтказилмоқда.

Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда халқаро майдонларда футболчиларимиз имкониятлари даражасида ўйнашга ҳаракат қилишяпти. Айниқса, 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлари муносиб иштирок этишди. Бу қувонарли, албатта. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, шундай мусобақаларда ялт этиб қўрилган футболчилар фаолиятини узлуксиз давом эттиришлари учун имкон ва шароит яратиш боради. Шундан улар келажақда миллий терма жамоамиз сафига қўшилиб, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида юртимиз футболни нуфузи юксалишига ҳисса қўшади.

Бунинг учун футболчиларини узлуксиз соғломлаштириш, жисмоний ва функционал ривожланишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифа қилиб қўйилиши керак.

Ашурали БОЙМУРОД.

Хизмат юзасидан ибратли бир оила тўғрисида мақола ёзишим керак эди. Суриштириб, кўнгилдагидек хонадон топгандай бўлдим. Махалла фуқаролар йи-

Хуллас, ўша хонадон томонга кетаётсам, йўлда уч-тўрт аёл гаплашиб туришган экан. Кўринишдан анчагина кибри аёл бир ярим ёшлар чамаси ширингина қизалоқни мажбурлаб: "Қани, кечга галингни айтиб, манави ходаларингизни бир додиратиб қўй", деди. Ишонасизми, йўқми, у айтишга тил бормаидиган эркакча сўкишни талаб қилмоқда эди! Ҳали яхши гапиролмайдиган қизалоқ ҳам чучук тили билан алланима деган эди, аёллар шарақлаб кулишди. Асабим бузилиб, йўлимда давом этдим. Аёл киши ҳам набирасига шунақа бемаъни гап ўргатадими? Устига устак, набираси қиз бола бўлса? Табв...

Нихоят, излаган хонадонимни топдим, ҳалиги бемаза аёллар ўтирган жойда 3-4 уй нарида экан. Тадбиркор деганларича бор, дангиллама уй, баланд девор, жим-жимадор дарвоза...

Дарвоза кўнгиругини эндигина босмоқчи эдим, ҳалакати аёлларнинг бири "Хой, тўхтан!" деб ўша қизчани етаклаб яқин келди-да, дағал овоз билан:

– Сизга ким керак, бу хонадон эгаси менман, – деди.

Эсанкираб қолдим. Бу ҳалигина қизалоқни сўкишга мажбурлаётган ўша аёл эди. Манавияти шунақа одамдан "намунали оиласи" ҳақида интервью олишдан маъни қолмади.

– Кечирасиз, адашдим шеклими, – дедим. – Шу кўчада яхши товарлар олиб келиб, сотаётган савдогар бор дейишганди. Уйингизнинг савлатига қараб, шу бўлса керак дебман...

ғини мактовини келтирган оила яхши бўлади, албатта. Боз устига, тадбиркор бўлса... Ибратли, фаровон хонадон ҳақида ёзиш айтиш мумкин.

ФАРЗАНДЛАРГА
НИМАЛАРНИ
ЎРГАТАЯМИЗ?

– Ҳа, йўғ-а! Биз бозорчилардан эмасмиз, – истеҳзоли қулди аёл. – Ўзимизга яраша обрўимиз бор. Сизга латта-путта сотаётган бозорчилар керак бўлса, бошқа жойдан қидиринг", деди.

Қаранг, ўзларига яраша обрўлари бор эмиш. Набирасига ўргатаётган галини эслаб, қандай обрўга эга эканини фахмалагандай бўлдим.

Бу ҳолва экан, бир таниш аёл гапириб қолди:

– Яқинда марказдаги дўконлардан бирининг ёнидан ўтаётсам, сотувчи аёл 4 ёшлардаги ўғилчага: "Қани, қизларга гап отишни биласанми? Манавинга гап от-чи!" деб мени кўрсатса, денг. Бошимдаги рўмолни кўриб, мен оилали аёл эканимга боланинг ақли етиб: "Уни эри бор-ку", деди. Бефаросат она эса, бошқа қизларга гап отишга ундарди...

Ушандан кейин набирасига эркакча сўкишни ўргатаётган шартки аёл ва нима дейганини ўзи тушунамайдиган жажжи қизалоқ, онасидан қизларга гап отишни ўргатаётган болакай хаелимдан нари кетмай қолди.

Тадбиркорлик орқасидан ҳовли-жойни кўркам қилиб қўйиш яхши, албатта. Бу турмушимиз



фаровонлашиб бораётганидан дарак. Ҳозир қадамимизда шинам уйлар-у, қўша-қўша машиналарни кўриб, бахтирлигини эҳтиёт билан кўриб, шундай турмуш тарзига яраша кишининг маънавий қиёфаси ҳам гўзал бўлса, нур устига аёло эмасми?

Она сутти озгина кетмаган қизчасига бемаза сўзини айтириш, ёки боласига кўчада қизларга "гап отиш"ни ўргатиб, ўзича гурурланиш ақли расо онага ярашадими ахир?

Қизик, ўша одамлар: "Болаларга нималарни ўргатаймиз ўзи", деб ҳеч ўйлаб қўришганими? Келажақда яхши ном орттириб, юзимизни ёруғ қилайдиган ёхуд ақинча, оиламиз шаънига доғ туширадиган айнан болаларимиз эмасми?

Ҳозир барча таълим масканлари, ҳатто боғчаларда ҳам болаларнинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, қийиниши, сўзлашиш маданиятини шакллантириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Айниқ-

са, қиз боланинг уй тутиши, озода ва саришталиги, муомала маданияти ва бошқа фазилатларини, истеъдод ва маҳоратларини сайлаб топтиришга қаратилган турли амалиётлар қўлланилмоқда.

Биргина мисол. Мактабларда "Ораса қизлар", боғчаларда "Зумрадлар давраи" тўғрақлари ишлаб турибди. Боғча ёшидаги, эндигина тили чиққан қизалоқларнинг миллий ўфодатларимизни давом эттириб, бежирим, миллий кийим кийган ҳолда, меҳмон кутиб олоб, сўзлашув, муомала маданияти, каттаю кичикка ҳурмат ва иззатда бўлиш, одоб-ахлоқ таълимларини эътибор ва дид билан бажарётганлари қўзни қувонтиради. Айниқса, ўзларича "меҳмон кутаётган" қизалоқларнинг жажжи қўлчаларини кўксига қўйиб, бир-бирига чой узатишларини айтмасизми?

Қиз бола – бўлажақ рафиқа, сариштали аёл, меҳрибон она. Унга ёшлиқнинг қўлчаларини кўксига қўйиб, бир-бирига чой узатишларини айтмасизми?

Ҳолида РАҲИМЖОН
қизи.
Қуйи Чирчиқ тумани.

Биласизми?

Фил Найт Орегон университетидан ўрта масофага югурувчи спортчи эди. У доим Америкада ишлаб чиқарилган кроссовкалардан наолир, Adidas кроссовкаларини сотиб олиш учун эса ўтган асрининг 60-йилларида анча-мунча одамнинг пули етмасди. Найт нархи арзон, аммо сифатли кроссовка чиқариш ниятида мурабий билан бирга Blue Ribbon Sports компаниясини ташкил қилди. У ар-

СПОРТДАН
ТАДБИРКОРЛИККА

зон ва сифатли кроссовкаларини фақат Осиёда ишлаб чиқариш мумкин деган фикрга келди. 1964 йилда у ва мурабийи Билл Бауэрман 500 доллардан пул ташлашди ва Япониянинг Оницука Тайгер компаниясига 300 жуфт кроссовкага буюртма беришди. Фил кроссовкаларни машинасида юриб сотди.

Билл Бауэрман бир кун хотинининг устидан кулиш учун вафли тайёрлайдиган ускуна ичиға резина тасмани солиб қўяди. Буни қарангки, шундан кейин компания спорт пойабзаллари учун чизикли пошна тайёрлашни йўлга қўйди. Сотув ривожланган, кроссовка ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Компанияга грек маъбудаси Ника шарафига Nike номи берилади.

Сураткаш ҳазили



Машина қўл меҳнатини енгиллаштиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзиллими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-12-83, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терийли ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Ирода НОРБОВЕВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ